

Миллий футбол лигаси муслима футболчиларини ҳижоб билан таъминлайди



17:30 / 18.05.2021 1109

Финландиянинг ёш мусулмон аёллари спорт билан шуғулланиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлдилар. Энди улар ҳижобда футбол ўйнашлари мумкин бўлади.

Финландияда Миллий футбол лигаси болаларга спорт анжомлари, спорт формалар, гедра крассовкалари ва бошқа керакли буюмларни, шулар қатори ҳижобларни етказиб беради. Бу ҳақда mupamaz.ru сайти хабар беради.

«Финландия тенг ҳуқуқларга эга мамлакат сифатида танилган», дейди Финляндия футбол ассоциациясининг аёллар бўлими раҳбари Хайди Пихлажа. — Аммо, шуни тан олиш керакки, Финландияни янада ҳамжамиятли қилиш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Ҳижобларни совға қилиш орқали биз футболни барча учун очиқ ва баробар эканлигини кўрсатмоқчимиз.

Эслатиб ўтамиз, Финландия 2019 йилда терма жамоалардаги эркак ва аёл футболчиларнинг маошлари тенглаштирилишини эълон қилган.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси